

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI

NAVOIY VILOYATI
HOKIMINING
QARORI



РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ

Navoiy sh., Islom Karimov sh.k 77 A

“ 26 ” Март 2020 у.(г)

г. Навои, пр. Ислама Каримова 77 А

№ K-61

Санитар тозалашга ихтисослашган корхоналар томонидан тўпланаётган ва амалда олиб чиқиладиган қаттиқ маиший чиқиндилар меъёрларини тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги ПҚ-4291-сон қарори билан тасдиқланган, “2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясини амалга ошириш бўйича ҳаракатлар дастури”нинг 40-банди топшириқларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўпланадиган ва амалда олиб чиқиладиган қаттиқ маиший чиқиндилар меъёрларини аниқлаш борасида экспериментал тадқиқот ва хронометраж ишларини ўтказиш” тадқиқот натижаларини Навоий вилояти ҳудудида амалда жорий этиш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиши давлат қўмитасининг 2020 йил 13 январдаги 01-04/1-16-сонли хатини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиши давлат қўмитасининг 2020 йил 13 январдаги 01-04/1-16-сонли хати маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.
2. Навоий вилоятида санитар тозалашга ихтисослашган корхоналар томонидан тўпланаётган ва амалда олиб чиқиладиган қаттиқ маиший чиқиндилар меъёрлари иловага асосан тасдиқлансин.
3. Белгилаб қўйилсинки, санитар тозалашга ихтисослашган корхоналар томонидан тўпланаётган ва амалда олиб чиқиладиган қаттиқ маиший чиқиндилар меъёрлари:

Санитар тозалаш корхоналари фаолиятларини олдиндан режалаштириш;

чиқинди ташиш техникалари, механизмлар ва ускуналарга бўлган талаб ва эҳтиёжларни ҳисоб-китоб қилиш;

санитар тозалаш ташкилотларининг маиший чиқиндиларни йиғиш ва аҳоли пунктларидан олиб чиқиш хизматини кўрсатиш;

юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузиш;

маиший чиқиндиларни утилизация қилиш, зарарсизлантириш, қайта ишлаш соҳаларининг услублари ва усулларини белгилаш;

чиқиндиларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирларини камайтириш мақсадларида фойдаланилади.

4. Туман (шаҳар) ҳокимликлари вилоят Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси (Худайкулов) билан биргаликда, худудларни санитария жихатидан тозалаш ишларининг тасдиқланган қаттиқ маиший чиқиндилар меъёрлари асосида ташкил этилишини таъминласинлар.

5. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари (Мамаражабов), вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги "Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази" давлат унитар қорхонаси (Фармонов) ушбу қарорни "Дўстлик байроғи" ва "Знамя дружбы" газеталарида расман эълон қилинишини ва вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласинлар.

6. Ушбу қарор эълон қилингандан кундан бошлаб кучга киради.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари К.Расулов ҳамда вилоят Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи Ш.Худайкулов зиммаларига юклансин.

Вилоят ҳоким



К.Турсунов